



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

## ЎТМИШГА НАЗАР

4 ЖИЛД, 6 СОН

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 4, НОМЕР 6

## LOOK TO THE PAST

VOLUME 4, ISSUE 6



ТОШКЕНТ-2021

**Бош мухаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош мухаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**«Ўтмишга назар» илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Зияева Доно Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори, Телави  
давлат университети, Грузия

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчехра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори, Телави  
давлат университети, Грузия

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети, Қозоғистон

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент  
Ўзбекистон Миллий университети

**Гоффоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
профессор, Телави давлат  
университети, Грузия

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Саипова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Россия ФА, Санкт-Петербург  
Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор  
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон  
Миллий университети, Қозоғистон

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Ўзбекистон миллий университети

**Алиева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Доғистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc)

**Талапов Бахриддин Алижанович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Наманган давлат университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори  
(PhD)

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

|   |    |
|---|----|
| <b>1. Аброр Одиллов</b><br>ИСЛОМ ВА БАҒРИКЕНГЛИК: АСРЛАР ПРИЗМАСИ ОРҚАЛИ НИГОҲ.....   | 4  |
| <b>2. Феруза Атаханова</b><br>ЎЗБЕК АНЪАНАВИЙ ЛИБОСИ ВА ЗАМОНАВИЙ МОДАНИНГ ЎЗARO<br>ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНИНИ ТАҲЛИЛ ЭТИШДАГИ МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАР...9        | 9  |
| <b>3. Дилшод Азизов</b><br>ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙ КОЛЛЕКЦИЯСИДАГИ<br>П.ПИКАССОНИНГ КЕРАМИКАДАГИ ИЖОДИЙ ИШЛАРИ.....                                | 16 |
| <b>4. Аъзам Болтаев, Ойбек Ражабов</b><br>XX АСР 40-ЙИЛЛАРИ БУХОРОДА ТАШКИЛ<br>ҚИЛИНГАН ИЛМИЙ ЭКСПЕДИЦИЯ.....   | 30 |
| <b>5. Ҳакима Давлатова, Озодбек Неъматов</b><br>НУРОТА ВОҲАСИ ТОЖИКЛАРИНИНГ ЧОРВАЧИЛИК БИЛАН<br>БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТЛАРИ ВА АНЪАНАЛАРИ.....                    | 36 |
| <b>6. Xalima Yuldasheva</b><br>DAVLAT TILINI O`QITISHNING DOLZARB MASALALARI.....   | 43 |
| <b>7. Олимжон Канимкулов</b><br>ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТАРИХИЙ ВА МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИ<br>ЎРГАНИШДА ЯҲЁ ҒУЛОМОВНИНГ ЎРНИ.....                                    | 48 |
| <b>8. Malika Maxmudova</b><br>O'ZBEKISTON ARHITEKTURASI YODGORLIKLARINI QAYTA TIKLASH.....  | 53 |
| <b>9. Феруза Қаноатова</b><br>ШАҲС МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ОИЛАВИЙ<br>ТАРБИЯ АСОСИЙ КОМПОНЕНТ СИФАТИДА.....   | 60 |
| <b>10. Ahmad Qarshiyev</b><br>SURXON VOHASI BEKLIK LARI DAVRIDAGI MOLIYA VA SOLIQ TIZIMI<br>TAHLILI (BUXORO "QO`SHBEGI" ARXIVI MATERIALLARI ASOSIDA)..... | 67 |
| <b>11. Сайёра Абдусоатовна Эргашева</b><br>1950-80 ЙИЛЛАРДА СУРХОН ВОҲАСИ КУЛОЛЧИЛИГИ.....  | 78 |
| <b>12. Sunnatillo Hamraev</b><br>XX АСРНИНГ 20 – 50 ЙИЛЛАРИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАРДА БУХОРО<br>ВА РОССИЯ ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИ.....                    | 84 |


# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Аъзам Ҳомидович Болтаев,  
Бухоро давлат университети ўқитувчиси  
azam.boltaev.2015@mail.ru

Ойбек Искандарович Ражабов,  
Бухоро давлат университети ўқитувчиси

## XX АСР 40-ЙИЛЛАРИ БУХОРОДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН ИЛМИЙ ЭКСПЕДИЦИЯ

**For citation:** Azam Kh.Boltaev, Oybek I.Rajabov. SCIENTIFIC EXPEDITION ORGANIZED IN BUKHARA IN THE 40s OF THE 20th CENTURY. Look to the past. 2021, vol. 4, issue 6, pp.30-35

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-6-4>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур тадқиқот ўз ичига 1940 йил Бухорода ташкил қилинган илмий экспедиция ҳақида маълумотларни жамлаган. Ушбу экспедицияга М.С.Андреев раҳбарлик қилган бўлиб, уларнинг аъзолари Бухоро тарихи, ўлкашунослиги, этнографияси, хунармандчилиги, топографияси, вақф ҳужжатлари ва амирлик суд-хуқуқ тизими соҳаларида тадқиқот ишларини олиб боришади. Экспедиция аъзолари олиб борган ишлар кейинги тадқиқот ишлари ва уни амалга оширувчилар учун замин тайёрлаган. Мақолада булар ҳақида батафсил маълумот беришга ҳаракат қилинган.

**Калит сўзлар:** Средазкомстарис, Бухкомстарис, экспедиция, топография, этнография, “Тарихи анжуман”, хунармандчилик, Тоқи тиргарон, Тоқи ордфурўшон, вақф ҳужжатлари.

Аъзам Ҳомидович Болтаев,  
Преподаватель  
Бухарского государственного университета  
azam.boltaev.2015@mail.ru

Ойбек Искандарович Ражабов,  
Преподаватель  
Бухарского государственного университета

## НАУЧНАЯ ЭКСПЕДИЦИЯ, ОРГАНИЗОВАННАЯ В БУХАРЕ В 40-Х ГОДАХ XX ВЕКА

### АННОТАЦИЯ

Данное исследование содержит информацию о научной экспедиции, организованной в 1940 году в Бухаре. Экспедицией руководил М.С.Андреев, члены экспедиции проводили исследовательские работы в области истории Бухары, краеведения, этнографии, ремесел, топографии, вақфных документов и судебно-правовой системы эмирата. Работа, проведенная

членами экспедиции, подготовила почву для дальнейших исследований следующего поколения ученых. В данной статье сделана попытка подробно рассказать об этих процессах.

**Ключевые слова:** Средазкомстарис, Бухкомстарис, экспедиция, топография, этнография, “историческая конференция”, ремесла, токи тиргарон, токи ордфурешон, вакфные документы.

**Azam Kh. Boltayev,**

Lecturer at the Bukhara State University  
azam.boltaev.2015@mail.ru

**Oybek I. Rajabov,**

Lecturer at the Bukhara State University

## SCIENTIFIC EXPEDITION ORGANIZED IN BUKHARA IN THE 40s OF THE XXth CENTURY

### ABSTRACT

This study included data on the scientific expedition organized in Bukhara in 1940. Lead by M.S.Andreev, members of the expedition conducted research work in the fields of the history of Bukhara, local lore, ethnography, craftsmanship, topography, waqf documents and the emirate judicial system. The work carried out by the members of the expedition laid the groundwork for further research work for those who carried it out. The present article attempts to discuss in detail these processes.

**Index Terms:** Sredazkomstaris, Bukhkomstaris, expedition, topography, ethnography, “historical conference”, crafts, tirgaron currents, ordfurushon currents, waqf documents.

### 1. Долзарблиги:

Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда ҳам ўлка тарихини чуқурроқ ўрганиш имкони вужудга келди. Айниқса, охириги йилларда олиб борилаётган жадал ислохотлар натижасида янги музейларни ташкил этиш, халқаро талабларга мос экспозицияларни яратиш ва археологик экспедициялар ташкил этиш орқали тарихий ўлкашунослик йўналиши янги сифат босқичига кўтарила бошлади. Бир гуруҳ маҳаллий ўлкашунос, шунингдек, коллекционерларнинг йиллар мобайнида шаклланган шахсий коллекциялари, қимматли илмий-маданий мероси мавжуд бўлиб, ушбу коллекцияларнинг тарихий-маданий даражаси ҳамда тарихий ўлкашунослик ривожидан тутган ўрни етарли даражада ўрганилмаган. Бухоро ўлкашуносларининг тарихий обидалар ҳамда мудофаа деворларини нобуд бўлишдан сақлаб қолиш борасидаги фаолияти амалий натижалари ва эътирофга лойиқ хизматлари ҳамон кам тадқиқ этилган масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Таъкидлаб ўтилганларнинг аҳамиятини инобатга олинадиган бўлса, танланган мавзунинг долзарблиги ўз-ўзидан маълум бўлади.

### 2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, Бухоро Марказий Осиё минтақасида турли маданиятлар кесишган ҳудуд сифатида алоҳида аҳамиятга эга. У қадимий цивилизация марказларидан бири сифатида, дунё илм аҳли диққатини доим ўзига қаратиб келган. Буни Европа олимлари А.Женкинсон, А.Борнс, Э.Эверсман, А.Ванбери кабиларнинг китобларида, шунингдек, рус элчилари П.И.Демизон, И.В.Веткевич[13] эсдаликлари ҳамда рус олимлари Н.В.Ханников, П.П.Шубиский, Д.Н.Логофетнинг XIX асрдаги тадқиқотлари[16.18.] ва XX аср бошларида В.В.Бартольд, И.И.Умняков, В.Л.Вяткин, Б.Н.Засипкин, В.А.Шишкин, Э.А.Шмидт, Д.И.Нечкин, А.А.Семёнов[2.14.15.19.] ва бошқалар олиб борган илмий-тадқиқот ишларида кўриш мумкин.

### 3. Тадқиқот натижалари:

1925-1940 йиллар давомида Средазкомстарис(Ўрта Осиё маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш қўмитаси) ва Бухкомстарис(Бухоро маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш қўмитаси) ташкилотлари томонидан Бухоро тарихи, археологияси ва ўлкашунослиги

доирасида олиб борилган тадқиқот ишлари, илмий экспедициялари “Тарихи анжуман” (Бухородаги биринчи илмий жамият) [12.] илмий жамиятининг мантиқий давоми бўлган эди.

Бухоро тарихи, топографияси, этнографияси ва суд-ҳуқуқ тизимини ўрганиш учун 1940 йилда янги экспедиция ташкил этилади ва унга М.С.Андреев раҳбарлик қилади. Ўлкани ўрганиш учун илмий экспедиция 1940 йилда бошланган бўлса-да, унинг натижалари XX асрнинг 60-йилларида нашр юзини кўрди.

Аслида, мазкур экспедицияга 1936 йилда асос солинган десак хато бўлмайди. Чунки шу йили М.С.Андреев ЎзССР Санъат музейи ташкил этган экспедицияда қатнашади ва тасодифан унинг қўлига Бухоро арк қўрғони харитасининг бир қисмига тушади. Уни бухоролик Иброҳим Ҳафизов (Иброҳим Ҳафизов сўнги амир даврида аркда тунги қоровул бўлиб ишлаган) тақдим этган эди. Шундан бошлаб М.С.Андреевда бу соҳага қизиқиш пайдо бўлади ва И. Ҳафизов айтганларига таяниб, аркдаги тарихий бинолар ва унинг тарихий топографияси ҳақида маълумотга эга бўлади. М.С.Андреев агар ёши катта отахонлар ҳам оламдан ўтса, аркнинг архитектураси, топографияси ва охириги тақдири ҳақидаги маълумотлардан асар ҳам қолмаслигини жуда яхши билган. Шунинг учун бу ишни қайтиб келиб тўлиқ амалга оширишни режалаштиради.

Юқоридагиларни инобатга олган М.С.Андреев 1940 йил Бухорони ўрганувчи илмий экспедиция ташкил этади. Бу ишда унга Ўрта Осиё университетининг Тарих факультети жамоаси ёрдам беради. ЎзССР Санъат музейи эса экспедиция харажатларини куйидаги мавзулар бўйича тадқиқот олиб боришга йўналтиради. О.Д. Чеховичга XIX – XX асрларга оид олди-соттиवासикаларида Бухорода ер эгалиги, савдо-тижорат ва судхўрлик масалаларини ўрганиш топширилади. М.С. Юсуповга амирлик вақтида қозилик маҳкамалари, армия, маъмурий бошқарув ва молия масалалари, Н.И.Русиновага Бухорода ҳунармандчилик ва ҳунармандчилик устахоналари фаолиятини ўрганиш топширилган бўлса, Л.И. Ремпелга XIX – XX асрларда Бухоронинг тарихий топографиясини тадқиқ қилиш юклатилади. М.С.Андреевнинг ўзи эса XIX аср охири ва XX аср бошида Бухоро арки ва Бухоро амирининг бир куни ҳақида маълумот тўплаши керак эди[1.].

Экспедиция натижасида йиғилган барча маълумотлар яхлит тўплам ҳолига келтирилиши зарур эди. Бу гуруҳга муҳандис Ф.В. Елисевич ҳам аъзо бўлишга хайрихоҳлигини билдиради. Чунки у анча олдинроқ Бухорода геологик тадқиқот олиб борган ва Бухоро аркининг геологик ҳолати тўғрисида мақола тайёрлаб, уни тўпламга киритмоқчи бўлган.

Экспедиция аъзоларининг барчаси маҳаллий тилни яхши билганлиги, шунингдек, М.С. Юсуповнинг Бухорода туғилганлиги ва халқнинг маданий ҳаёти билан яхши таниш бўлганлиги экспедиция ишининг ижобий силжишига ёрдам берган.

М.С. Андреев раҳбарлигидаги тадқиқот натижалари “Арк Бухары” китобида жамланади. Бу китобни ёзишда муаллифлар “Тарихи анжуман” жамияти илмий лойиҳаси ва Носируддинтўранинг “Таҳқиқоти Арки Бухоро” асаридан ҳам фойдаланишган. Айрим муаллифлар, жумладан, С.А.Захидова ушбу экспедиция ва унинг аъзолари М.С. Андреев ҳамда О.Д. Чеховичнинг фаолиятини бир томонлама баҳолайди, шунингдек, экспедиция фаолиятини “Тарихи анжуман”нинг такрори деб ҳисоблайди[7.]. М.С. Андреев Бухоро шаҳри топографияси бўйича тадқиқот олиб боришни режалаштирган, аммо бу ишни охиригача етказмаган. Бунинг сабаби: Бухоро амирлиги қулагандан сўнг 1920 – 1921 йилларда “Тарихи анжуман” жамияти аъзолари бу ишни бошлашади[9.]. Чунки жамият таркибида бевосита аркда яшаган шахзодалар ва Бухорони яхши билган Абдурауф Фитрат, Шарифжон Маҳдум, Мирза Салимбек ва бошқалар бўлиб, улар “Таҳқиқоти Арки Бухоро” китобини муҳокама ва таҳрир қилдилар ҳамда унга керакли тузатишлар киритадилар. М.С. Андреев ва О.Д. Чехович ўз тадқиқотларида бу асардан қисман фойдаланишган, бироқ уни тўлиқ кўчирмаган. “Бухоро Арки” китоби Носируддинтўра тадқиқотидан фарқли ўлароқ, аркда жойлашган биноларнинг координатлари тўғрисида аниқ маълумот беради. М.С. Андреев тадқиқотида аркнинг XX аср бошларидаги топографик харитаси илова қилинган. Унинг атрофи, жумладан, Регистон майдонидаги мадраса, масжид, ҳовуз ва бошқа биноларнинг жойлашув ўрни харитага туширилади. Бу харита Бухоро шаҳрининг тарихий топографиясини ўрганишда муҳим

аҳамиятга эга, чунки унеча тузилган хариталарда айрим ноаниқликлар учрайди. Носируддинтўра тадқиқотида эса бирор хил харита, схема ёки кўрсаткич учрамайди[1.].

Буни китоб муҳаррири Б.В. Луниннинг ушбу фикрлари исботлайди: “М.С. Андреев 1940 – 1941 йилларда аркнинг тузилиши ва қурилиш тарихи, XIX асрнинг охири ва XX аср бошида аркдаги ҳаёт ҳақида маълумот тўплаш мақсадида экспедиция ташкил этган. У асосий маълумотларни бухоролик ёши улуғ отахонлардан, Бухоро инқилобигача аркда хизмат қилган шахслар ва аҳолининг ўқимишли вакилларида олишга ҳаракат қилган” [1.].

Экспедиция 1940 йилда бошланиб, 1941 йил ёзига қадар давом этади. Германиянинг СССРга уруш бошлаши билан экспедиция ишлари ҳам секинлашади, кейинчалик тўхтаб қолади. Урушдан кейин М.С. Андреев тадқиқотни давом эттириш истагида эди, бироқ у 1947 йилда вафот этади. Шу сабаб, Бухоро аркини ўрганиш натижаларини ўз ичига олган “Бухоро Арки” номли китоби унинг вафотидан анча кейин нашр этилади. Экспедиция аъзоларидан О.Д. Чехович эса қисман шу экспедиция мақсад ва вазифалари доирасида тайёрлаган “Бухарские документы XIV века” номли китобини 1965 йил нашр этиришга муваффақ бўлди. М.С. Юсуповнинг Бухорода суд ишлари тўғрисидаги тадқиқоти қандайдир сабабларга кўра нашр этилмай қолади (Ульфат Абдурасулов ва Паоло Сарториларнинг ташаббуси билан 2016 йил М.С.Юсуповнинг “Суд в Бухаре. (Судоустройство и судопроизводство в Бухарском эмирате в конце XIX начале XX в.)” номли иши нашр юзини кўрди). Н.И.Русинованинг хунармандчилик ва хунармандчилик устахоналари тўғрисида олиб борган тадқиқоти ҳам унинг 1943 йил тўсатдан вафот этиши натижасида нашр этилмай қолиб кетди[8.]. Маълумотларга кўра, кейинчалик О.А.Сухарева ўз тадқиқот ишларида унинг материалларидан фойдаланган[20.].

Экспедиция аъзоси Л.И. Ремпель “Шарқда шаҳарсозлик тарихи (қадимги Бухоро топографияси мисолида)” номли ишида 1940 – 1941 йиллари олиб борган изланишлари натижаси ҳақида маълумот беради. Унда Бухородаги ўрта асрларга оид шаҳар деворлари, дарвозалар, уларнинг жойлашган жойи, бозорлар, аҳоли гавжум ҳудудлари қайд қилинади. XVIII-XIX асрларда Бухоронинг энг гавжум ва энг сокин дарвозаларини аниқлайди. Бу маълумотларни кўпроқ савдо қарвонлари мисолида келтиради. Яъни, қайси дарвозадан савдо қарвонлари кўп кирса, у дарвоза фаол ҳисобланган. Шунингдек, ўрта аср работлари ва шаҳристон ҳудудини харитада белгилайди.

Л.И. Ремпель Бухоронинг XVI – XIX асрларга оид бозорлари ва уларнинг жойлашган ўрни, тоқлар, савдо мажмуалари ва тарихий биноларнинг топографиясини ўрганди. Унинг маълумотига кўра, Бухородаги беш тоқдан учтаси бизгача етиб келган. Тоқи тиргарон ва Тоқи ордфурўшон қабилар бизгача сақланмаган. Л.И. Ремпель сақланмаган тоқларнинг ўрнини ўзининг ишида келтирилган харитада кўрсатишга ҳаракат қилади[10.11.].

Бухоро мадрасалари тўғрисидаги маълумотлар ҳам Л.И. Ремпель изланишларининг муайян қисмини ташкил этади. Мадрасалар қурилишига қараб улар уч турга бўлинади (Биринчи типдаги мадрасалар бир қаватли ва қўш синжли бўлган. Иккинчи типга икки қаватли мадрасалар(биринчи қават дарсхона, иккинчи қават хужра) кирган. Бухородаги кўплаб мадрасалар шу типда қурилган. Учтинчи тип мадрасалар эса усти очик галереяли бўлган). Бунга қўшимча сифатида Бухорода 200 дан ортиқ катта-кичик мадраса борлигини таъкидлайди ва уларнинг вақф даромадлари ҳақида маълумот беради[10.11.].

Л.И.Ремпель маҳаллий аҳолидан олган маълумотларидан ташқари X –XVII асрларда яшаган маҳаллий ва араб тарихчи-географларидан Мухаммад Наршахий, Истаҳри, Ибн Хавқал, Жувайни, Мақдиси, Табарий, Ибн Хурдод, Ибн ал-Асир, Зайниддин Восифи ва рус тарихчиларидан В.В. Бартольд, М.Е. Массон, И.И. Умняков, В.А. Шишкин ва бошқа олимларнинг асарларидан кенг фойдаланган.

#### **4. Хулосалар:**

Мухтасар қилиб айтганда, М.С. Андреев раҳбарлигидаги илмий экспедиция Бухоро тарихи, ўлкашунослиги, этнографияси, топографияси, вақф ҳужжатлари ва амирлик суд-ҳуқук тизими ҳақида қимматли маълумотларни қолдирган. Улардан сўнг бу ишларни С.Н.Юрнев[5.6.], Т.Ф.Гелах[3.], О.А.Сухарева[4.] ва бошқа ўлкашунос олимлар давом

эттиришди. Ўлка тарихини ўрганишда мазкур экспедиция маълумотлари жуда муҳим бўлиб, қанча вақт ўтса ҳам ўз қимматини йўқотмайди.

### Иктибослар/Сноски/References:

1. Андреев М.С., Чехович О.Д. Арк Бухары. – Душанбе: Дониш, 1972. – 164 с. (Andreev M.S., Chekhovich O.D. Ark of Bukhara. – Dushanbe: Donish, 1972. – 164 p.)
2. Бартольд В.В. Места домусулманского культа в Бухаре и ее окрестностях // Сочинения. – М.: Наука, 1964. Т. 2. Часть 2. – С. 471-476. (Barthold V. V. Mesto domusulmanskogo kulta v Bukhara i ee neobrazhdenii [Places of the pre-Muslim cult in Bukhara and its environs]. // Sochineniye. - M.: Nauka, 1964. Vol. 2. Part 2. - pp. 471-476.)
3. Болтаев А.Х. Бухоро шаҳри 11 дарвозасининг тарихи ва тақдири (ўлкашунос Т.Ф.Гелак тадқиқотларида) // Тюркоязычные страны. Республиканский научно-методический и познавательный журнал. – Алматы, 2018. №2. 6-8-бетлар. (Boltaev A.H. The history and fate of the 11 gate of the city of Bukhara (based on studies of local historian T.F.Gelax) // Turkic-speaking countries. Republican academic-methodic and cognitive magazine. - Almaty, 2018. №2. – P. 6-8.)
4. Болтаев А.Х. Бухоро ўлкашунослиги тарихини ўрганишда С.Н.Юренив ёзишмаларининг ўрни // Ўзбекистон Миллий университети хабарлари. 2018. № 1. 5-9-бетлар. (Boltaev A.H. S.N. Yurenev's correspondence in the study of the history of Bukhara local lore // Materials of the National University of Uzbekistan. 2018. № 1. – P.5-9.)
5. Boltaev A.Kh. The research of the S.N.Yurenev un the Mocque Kalan // European Journal of Humanities and Social Sciences, №5, ISSN 2414-2344. - Vienna: 2018. – P. 8-12.
6. Болтаев А.Х. Исследование С.Юренива в мечети Калян // Вестник археологии, антропологии и этнографии. – Тюмень, 2019. №1 (44) С. 45-53. (Boltaev A.H. S.Yurenev's research in the Kalyan mosque // Bulletin of Archeology, Anthropology and Ethnography. – Tyumen, 2019. No.1(44) -p.45-53.)
7. Зоҳидова С.А. XIX аср охири-XX аср бошларида Бухорода шаҳар маданияти тараққиёти (Носируддин ибн амир Музаффарнинг “Тухфат уз-зоирийн” асари маълумотлари асосида): Тарих фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2009. – 160 б. (Zahidova S.A. The development of urban culture in Bukhara at the end of XIX-beginning of XX century (based on the work of Nasiruddin Ibn Amir Muzaffar “Kuhfat uz-zoiriyn”): History science. name. ... disse. – Tashkent, 2009. - 160 p.)
8. Курбанов Б.Г., Собиров У.Б. Об одном типе средневековых металлических светильников Бухарского оазиса // Россия-Узбекистан. Международные образовательные и социально-культурные технологии: векторы развития. – 2019. – С. 153-156. (Kurbanov B.G., Sobirov U.B. About one type of medieval metal lamps of the Bukhara oasis // Russia-Uzbekistan. International educational and socio-cultural technologies: vectors of development. - 2019. - p. 153-156.)
9. Мирзо Салимбек. Кашкули Салимий / Форс-тожик тилидан таржима, кириш сўз, изоҳ ва кўрсаткичлар Н.Йўлдошевга тегишли. – Бухоро: Бухоро, 2003. – Б. 9. (Mirza Salimbek. Kashkuli Salimiy / translation from Persian-Tajik, introductory words, comments and indications N.Yuldoshev. – Bukhara: Bukhara, 2003. – P. 9.)
10. Ремпель Л.И. Из истории градостроительства на Востоке (Материалы по планировке старой Бухары) // Искусство зодчих Узбекистана. – Ташкент: Издательство Академии наук Узбекской ССР, 1962. – С. 211-266. (Rempel L. I. From the history of urban planning in the East (Materials on the layout of old Bukhara) / / Iskustvo zodchikh Uzbekistanii. Tashkent: Publishing House of the Academy of Sciences of the Uzbek SSR, 1962. - pp. 211-266.)
11. Ремпель Л.И. Далекое и близкое. Бухарские записки. Страницы жизни, быта, строительного дела, ремесла и искусства Старой Бухары. – Ташкент: Издательство литературы и искусства имени Г.Гуляма, 1981. – 301 с. (Rempel L.I. Far and near.



- Bukharian notes. Pages of life, everyday life, construction, crafts and art of Old Bukhara. - Tashkent: Publishing house of literature and Art named after G.Gulyam, 1981. - 301 p.)
12. Саййид Муҳаммад Носир ибн Музаффар. Таҳқиқоти арки Бухоро (Бухоро арки ҳақида тадқиқот) /Форс тилидан таржима, сўзбоши, изоҳлар ва кўрсаткичлар Ғ.Каримовники. – Тошкент: Тафаккур, 2009. – 154 б.
  13. Turaeva G.B., Jumaeva N.A. The coverage of the history of domestic and foreign trade relations of the emirate of Bukhara in the memoirs of ambassador P.I.Demezov and I.V. Vitkevich. International Journal of Applied Research. – Delhi, India: 2020. 6(6). – P. 49-51.
  14. Умняков И.И. К вопросу об исторической топографии средневековой Бухары. Сборник Туркестанского Восточного института в честь проф. Э.А.Шмидта. – Ташкент: 1923. – С.148-157. (Umnyakov I.I. On the question of the historical topography of medieval Bukhara. Collection of the Turkestan Oriental Institute in honor of Prof. E.A.Schmidt. - Tashkent: 1923. - p. 148-157.)
  15. Умняков И.И. Архитектурные памятники Средней Азии. Исследование. Ремонт. Реставрация. 1920-1928 гг. – Ташкент: 1929. – 40 с.( Umnyakov I.I. Architectural monuments of Central Asia. Study. Repair. Restoration. 1920-1928-Tashkent: 1929. - 40 p.)
  16. Ханьков Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб.: Типография Императорской Академии наук, 1843. –279 с.( Khanykov N.V. Description of the Bukhara Khanate. - St. Petersburg: Printing House of the Imperial Academy of Sciences, 1843. -279 p.)
  17. Чехович О.Д. Бухарские документы XIV века. – Ташкент: Наука, 1965. – 330 с. (Chekhovich O.D. Bukharian documents of the XIV century. – Tashkent: Nauka, 1965. - 330 p.)
  18. Шубинский П.П. Очерки Бухары. СПб, 1892. (Shubinsky P. P. Essays of Bukhara. St. Petersburg, 1892.)
  19. Шишкин В.А. Архитектурные памятники Бухары. – Ташкент: Издательство Комитета наук УзССР, 1936. – 100 с. (Shishkin V. A. Architectural monuments of Bukhara. - Tashkent: Publishing house of the Committee of Sciences of the UzSSR, 1936. - 100 p.)
  20. Юсупов М.С. Суд в Бухаре. (Судоустройство и судопроизводство в Бухарском эмирате в конце XIX – начале XX в.). – Ташкент-Вена, 2016. – 169 с. (Yusupov M. S. Court in Bukhara. (Judicial system and legal proceedings in the Bukhara Emirate at the end of the XIX – beginning of the XX century). - Tashkent-Vienna, 2016. - 169 p.)

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

**Ҳакима Давлатова,**


Жиззах давлат педагогика институти  
Тарих факультети 1 курс магистранти

**Озодбек Нейматов,**

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети  
Тарих факультети Тарих йўналиши 4 курс талабаси

## НУРОТА ВОҲАСИ ТОЖИКЛАРИНИНГ ЧОРВАЧИЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТЛАРИ ВА АНЪАНАЛАРИ

**For citation:** Ҳакима Давлатова, Озодбек Нейматов. TRADITIONS AND CUSTOMS OF THE TAJIKS OF THE NUROTA OASIS RELATING TO LIVESTOCK. Look to the past. 2021, vol. 4, issue 6, pp.36-42

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-6-5>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Нурато воҳаси тожикларининг чорвачилик билан боғлиқ урф-одатлари ва анъаналари батафсил таҳлил қилинган. Чорвачилик қадимдан турли халқларнинг асосий машғулотларидан бири бўлиб келган. Жумладан, Нурато воҳаси аҳолиси ҳам асосан чорвачилик билан шуғулланиб келган бўлиб, чорвачилик билан боғлиқ бўлган бир қатор урф-одатлар, анъана ва қадриятлар ҳамда турли хил маросимлар узоқ йиллар мобайнида шаклланиб келган. Мақолада турли хил манба ва илмий адабиётлар ҳамда дала тадқиқотлари асосида Нурато воҳаси тожикларининг чорвачилик билан боғлиқ урф-одатлари, анъана ва маросимлари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Нурато, Жиззах, тожиклар, чорвачилик, урф-одатлар, маросимлар.

**Ҳакима Давлатова,**

Джизакский государственный педагогический институт  
Магистрант 1 курса исторического факультета

**Озодбек Нейматов,**

Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека  
Студент 4 курса исторического факультета (направление «история»)

## ТРАДИЦИИ И ОБЫЧАИ ТАДЖИКОВ ОАЗИСА НУРОТА ОТНОСЯЩИЕСЯ К ЖИВОТНОВОДСТВУ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье подробно проанализированы традиции и обычаи таджиков Нуратинского оазиса, связанные с животноводством. Животноводство давно стало одним из главных занятий различных народов. В частности, жители Нуратинского оазиса занимались в основном животноводством, за долгие годы сформировался ряд обычаев, традиций и ценностей, связанных с животноводством, а также различные ритуалы. В статье на основе